

Фуқароларни қабул қилаётган (раҳбар) ходим қўйилган саволга дарҳол жавоб беролмаса, унда ушбу масала юзасидан ёзма равишдаги мурожаатини қабул қилиб, муайян муددатни кўрсатган ҳолда, унга ёзма ёки оғзаки жавоб берилишини билдириши шарт.



...Ётоқхонадаги портфелдан 1 ман. 200 минг сўм топишганда, мамнун ҳолда бир-бирлари билан кўз уриштиришган бўлса, спорт сумкаси билан 7 минг АҚШ доллари чиққанда эса қувончдан ўзларини кўярга жой тополмай қолдилар.



# Ҳуқуқ

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 18-aprel, №16 (849)



## Қонун устуворлиги тараққиёт гаровидир

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарини ишга тушириш, янги иш ўринларини яратиш орқали жаҳон бозорига рақобатбардор ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш вазифасига бугуннинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Бу албатта, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, фермерларга кенг имкониятлар ва қулайликлар яратиш орқали қишлоқ инфратузилмасини ўзгартиришга, шунингдек, қишлоқларда саноатни ривожлантиришга катта туртки бўлаётир. Шу маънода Навоий вилоят прокуратураси органлари томонидан Президентимизнинг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида кўрсатилган вазифаларни тўлақонли рўйбга чиқариш борасида аграр соҳада қатор мониторинг ва назорат тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

Хусусан, асосий қишлоқ хўжалик экинлари (пахта ва галла) экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб туриш, фермер ва дехқон хўжалиқларига ер ажратиш борасида қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартиб-қоидалар бузилишининг олдини олиш, масъул шахслар томонидан хизмат маъқеининг суистеймол қилинишига, қариндош-

уруғчилик ва ошна-оғайнигарчилик муносабатларидан фойдаланиш ҳолларига йўл қўймаслик, ерлардан қатъий равишда мақсадли фойдаланиш каби вазифалар белгиланган тартибда ўрганилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан тегишли прокурор таъсир чоралари кўриб келинмоқда.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси органлари томонидан юқоридаги Фармон талабларидан келиб чиқиб, ерлардан мақсадли фойдаланишни, уларнинг унумдорлиги сақланиши ҳамда экология нормаларига риоя этилишини таъминлаб келаётган фермер ҳамда дехқон хўжалиқларининг ҳуқуқ ва манфаатлари химоясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2012 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида фермер хўжалиқларига 4 гектар ер майдони, 362,5 тонна минерал ўғит, 38,25 тонна ёқилги-мойлаш материаллари, 0,6 тонна уруғлик чигит, 0,2 тонна уруғлик бугдой ҳамда 27 тонна омухта ем олишларида амалий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга, 8 та қишлоқ хўжалик техникалари, 24 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар, 23,6 млн. сўм нақд

пул маблағи, 985,9 млн. сўмлик иш ҳақининг олинмишида, 58,8 млн. сўмлик кредит ажратилишида ҳамда 5,4 млн. сўмлик дебитор қарздорликнинг ундирилишида ҳам кўмаклашилди.

Мисол учун, Қонимех туманидаги "Аваз", "Шохгулмун" ва "Лозима" фермер хўжалиқларига 10 тонна дизель ёқилгиси олинмишида, "Сардор" фермер хўжалигига эса ер ҳайдаш техникаси олинмишида амалий ёрдам берилди.

Шунингдек, Қармана туманидаги "Севинч Феруз" ва "Абдували Пирназар" фермер хўжалиқларига АТ "Микрокредитбанк"нинг мазкур туман филиалидан 1 млн. 300 минг сўмдан ҳамда "Гулла яшна Нуртилло" фермер хўжалигига АТ "Агробанк" филиалидан 1 млн. 200 минг сўм миқдорига нақд пул маблағларининг олиб берилиши ҳам шулар жумласидандир.

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан, 2008-2012 йилларга мўлжалланган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича дастур ишлаб чиқилган эди. Мазкур дастурга биноан вилоятда 10 та режалаштирилган объектда 557,5 километр узунликдаги зовур тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилди.

(Давоми 3-бетда)

Парламентда

## Испания парламенти делегациясининг ташрифи

Мамлакатимизга ташриф буюрган Испаниянинг Валенсия провинцияси (Халқ партияси) сенатори, Европа Кенгаши аъзоси Педро Аграмунт раҳбарлигидаги Испания парламенти делегацияси 15 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида учрашувлар ўтказди.

Мулоқотлар чоғида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни барча жабҳада, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентларо ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамият касб этади. Икки давлат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Меҳмонлар Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга эканини, мамлакатимизда сайёҳларни жалб этувчи барча омиллар, хусусан, ноёб тарихий обидалар ва маданий ёдгорликлар, такомиллашган инфратузилма ҳамда тинчлик ва барқарорлик мустаҳкам эканини алоҳида қайд этдилар. Уз навбатида юртимизда туризмини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бердилар.

Ўз мухбиримиз Анжуман

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги томонидан ташкил этилган "Архив масалаларида аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг турларини кенгайтириш истиқболлари тўғрисида" матбуот анжумани бўлиб ўтди.

## Соҳадаги истиқболлар

Анжуманда "Архив иши тўғрисида", "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида", "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуллари, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида"ги ва 2011 йил 8 сентябрдаги "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибининг янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорларидан келиб чиққан ҳолда соҳа мутахассисларининг маълумотлари тингланди.

Маърузачилар республикада жами 102 та давлат архивлари фаолият юритаётгани, уларда сақланаётган миллий архив фонди ҳужжатлари 8,5 млн. сақлов бирлигига етганлиги, шунингдек, республикада маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги 115 та идоралараро хўжалик ҳисобидидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архивлари фаолият юритаётганини таъкидлаб ўтишди.

Тадбир давомида Давлат архивларида сақланаётган бебаҳо архив ҳужжатларига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб, уларда изланишлар олиб бо-

Гули ҲОЖИБОЕВА, «Huquq»

раётган тадқиқотчилар ва ҳужжатлардан фойдаланувчилар динамикаси йил сайин кенгайиб бораётгани ҳам алоҳида эътироф этилди. Бундан ташқари, Давлат архивларининг пуллик хизматлари спектри сўнгги ўн йилликда 28 баравар ўсиб, 2012 йилда 2,4 млрд. сўмини ташкил этганлиги, уларнинг хизматлари рўйхатига янги хизмат турлари киритилганлиги алоҳида қайд этилди.

Шу билан бирга, соҳа мутахассислари фуқароларнинг ортиқча сарсонгарчилигининг олдини олиш ва уларга тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида марказий Давлат архивлари махсус базага эга инфокиоскалар билан жиҳозланиб, истиқболда аҳолига фуқароларнинг шажаравий изланиш ва исм, шариф тўғрисидаги ёрликларини тарихий маълумотлар асосида тайёрлаб бериш ишлари йўлга қўйилаётгани ҳамда archive.uz веб сайти мунтазам ишлаб турганлиги унда "Хизматлар" ва "Интерактив хизматлар" туркумидаги фуқароларга архив муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида батафсил изоҳлар берилди.









# Автоулов ҳайдовчилари хавфсизлигига таҳдид

**Босқинчилик жинояти содир этилганда жабрланувчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатилади, ҳаёт ёки соғлиққа зиён етказилиши учун реал хавф вуҷудга келади ва ўзганинг мол-мулки эгаллаб олинганда ҳамма кўпинча жабрланувчининг ўлими билан якун топади.**

Ушбу турдаги босқинчилик объектини ўзганинг мол-мулки, фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғини ҳимоя қилувчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Объектив томондан автоулов ҳайдовчиларига нисбатан содир этилган босқинчилик, ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида шу мулкнинг эгаллишига қаршилик кўрсатган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган жисмоний зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб, ҳужум қилишда ифодаланади. Аксарият ҳолларда, ушбу турдаги босқинчилик қўқисдан ҳужум қилиш орқали содир этилади. Автоулов ҳайдовчисига ишлатилган зўрлик кўпинча жисмоний бўлади ва кўшимча тарзда руҳий таътиқ ҳам ўтказилади. Одатда бу каби босқинчиликда зўрлик ишлатиш ҳужум билан айна бир вақтда содир бўлади, бироқ, бевосита ҳужумдан кейин куч ишлатилиш ҳоллари ҳам учрайди. Ҳужумга бир шахс дучор этилиб, мол-мулкни эгаллашга тўсқинлик қилмоқчи бўлган ёки жиноят шохиди бўлган бошқа шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 1999 йил 30 апрелдаги 6-сонли қарориди таъкидланганидек, ҳаёт учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш, деганда унинг ишлатилиши жабрланувчининг ҳаёти учун аниқ бўлган хавфни вуҷудга келтирувчи ҳолат (масалан, жабрланувчини бўғиш, бошини сув остида ушлаб туриш ва ҳоказо) тушунилади. Соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш, деганда жабрланувчига соғлигининг бузилишига сабаб бўлган тан жароҳати етказиш (ўткир ёки кесувчи жисм билан) ёки шундай тан жароҳатини етказиш хавфини туғдирувчи

харакатлар тушунилади. Ушбу босқинчиликда ишлатилган зўрлик жабрланувчидан мол-мулкни тортиб олиш, эгаллаш ёки ўзида сақлаб қолиш усули ҳисобланади. Зўрлик баъзан жиноятни яшириш мақсадида ҳам ишлатилади. Қонун мазмунига кўра, босқинчилик жиноятида зўрлик ҳам жисмоний, ҳам руҳий бўлиши мумкин.

Рухий зўрлик ишлатиш, деганда жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган зўрликни жиноят содир қилинаётган вақтнинг ўзида бевосита ва дарҳол ишлатиш билан кўрқитиш тушунилади.

Автоулов ҳайдовчисига нисбатан содир этиладиган босқинчилик ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрликни ишлатиш билан кўрқитиб, ҳужум қилинган пайтдан эътиборан ўзганинг мол-мулки эгалланган ёки эгалланмаганидан қатъи назар, тамом бўлган жиноят, деб ҳисобланади.

Босқинчилик субъектив томондан тўғри қасд ва гаразли мақсадларда ифодаланади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларига нисбатан содир этиладиган босқинчиликни тўғри квалификация қилиш учун "босқинчилик ҳужуми" тушунчасини аниқлаб олиш лозим.

Амалдаги жиноят қончилиги муювоқиф, босқинчилик деганда, ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб, содир этилган ҳужум тушунилади (ЖКнинг 164-м. 1-қ.).

Одатда транспорт воситалари ҳайдовчиларига нисбатан босқинчилик ҳужуми уларнинг мулкни ёки транспорт воситаси ёхуд унинг таркибий қисмларини эгаллаш мақсадида содир этилади. Бундай қилмишларни квалификация қилишда мулкни эгаллаш усулига аҳамият бериш зарур.

Босқинчилик ҳужумини содир этишда ҳамма жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилади ёки бундай зарар етказилишининг реал хавфи мавжуд бўлиб,

## ёхуд уларга нисбатан содир этиладиган босқинчиликнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи

ўзганинг мулки эгалланади. Босқинчилик жараёнида жабрланувчига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилса, қилмиш ЖКнинг 164-моддаси билан тўлиқ қамраб олинади ва ЖКнинг 105- ва 109-моддалари билан қўшимча квалификация қилиши талаб этмайди. Босқинчилик ҳужуми натижа-сида жабрланувчининг баданига оғир шикаст етказилса, айбдор шахснинг қилмиши ЖКнинг 164-моддаси 3-қисмининг "г" банди билан квалификация қилинади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларига нисбатан содир этилган босқинчилик жиноятларини квалификация қилиш

белгилари, жумладан, таъовуз мақсади ва мотиви (ният) ташкил қилади. Босқинчиликдан фарқли ўларок, зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этиладиган транспорт воситасини олиб қочишда жиноят субъектида гаразгүйлик ниятлари мавжуд бўлмайди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 37-сонли "Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги Қарори 1-бандиди "...транспорт воситаларини ҳайдаб қочиш, деганда ўзига тегишли бўлмаган транспорт воси-

**Баҳодир Пўлатов,**  
Бош прокуратуранинг  
ОЎК тингловчиси

қа нарсалардан фойдаланиб, содир этилади.

Ўқотар қурол, деганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги 3-сонли "Қонунга хилоф равишда қуролга эғалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги Қарори 2-бандига муювоқиф, амалда қандай мақсадларда қўлланилишидан қатъи назар, отиш учун порох газларининг қучидан фойдаланиладиган барча турдаги жанговар, спорт ва ов қуроллари тушунилиши лозим. Пневматик милтиқ, сигнал, старт, газ баллонлари ёки газ баллонлари, ракетни-цалар ва бошқа ясама-пиротехника ҳамда ёритгич воситалари қуроллар жумласига қирмайди.

Била туриб яроксиз қуролдан ёки ёлғондақ қуролдан (масалан, тўппонча ёки старт тўппончаси макетларидан) баданга шикаст етказишни ният қилмаган ҳолда фойдаланилганда, ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаганда, қуролли босқинчилик сифатида баҳолаш мумкин эмас. Босқинчилик жараёнида айбдор томонидан рухсатнома талаб қилинадиган ўқотар қурол қўрилганда ҳамда қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни (портловчи, захарли моддалар ва ҳоказо) ишлатиб босқинчилик содир этилганда, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 164-моддаси 2-қисми "а" банди ва ЖКнинг жамоат хавфсизлигига қарши жиноятларнинг тегишли моддалари билан жиноятлар мажмуи тарққасида квалификация қилиниши лозим.

Қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсалар, деганда жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига объектив тарзда зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай нарсалар тушунилади.



мураккаб масалалардан бири бўлиб, уларни Жиноят кодексининг 267-моддаси 3-қисми "в" бандида назарда тутилган зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этиладиган транспорт воситаларини олиб қочиш жиноятларидан фарқлаш зарур бўлади. Чунки, ушбу жиноятларнинг объектив белгилари бир-бирга ўхшаيدир.

Босқинчиликни зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этиладиган транспорт воситасини олиб қочишдан фарқлашнинг асосини субъектив томон

тасини ўзлаштириш мақсади-сиз уни турган жойидан бошқа жойга олиб қочишни тушуниш керак", деб таъкидлаб ўтилган. Яъни айбдор шахс транспорт воситасини олиб қочаётганда уни ўз мулкига айлантиришга, у орқали қонунга хилоф равишда бойишга ёки уни ёхуд унинг таркибий қисмларидан ўзи хоҳишига кўра тасарруф этишга интилмайд.

Кўп ҳолларда транспорт воситалари ҳайдовчиларига нисбатан бўлган босқинчилик ҳужумлари қурол ёки қурол сифатида ишлатилган бош-

## Ўзбекистон Республикасида ҳукм, ажрим ва қарорларни

**Мамлакатимизда суд ижрочилари фаолияти шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга тобора муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бу масалага Юрбошимиз ҳам алоҳида тўхтаиб, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши жараёнида қуйилган фикрларни ҳақи равишда таъкидлаган эдилар: "Биз шарҳ шариоатида яшаймиз демократик давлат кураётганимизда, аввало, ўз анъаналаримизни асос қилиб олишимиз керак. Буни унутмаслигимиз лозим. Тарихимизга назар ташласак, хато қилган оламни жазолашган кўра, кўпроқ кўпчилик ўртасида муҳокама қилиш, изза қилиш, яъни унга аваламбор, тарбиявий чоралар қўлланилган".**

Инсон ҳуқуқларининг дахлсизлиги биринчи галда, унинг шахсий ҳаёти, эркинлиги, турар жойи ва умумэътироф этилган бошқа қадриятларини қамраб олади. Шу боис, таъкидлаш лозимки, шахснинг дахлсизлигини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя

қилиш давлатнинг катта сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифасидир.

Албатта, ҳар бир давлат шу муҳим вазифани бажариш учун тегишли ҳуқуқий механизмни яратди. Айтиш лозимки, инсон ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлашда, бузилган ҳуқуқ ва

эркинликларни ҳимоя қилишда суд органларининг фаолияти муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилганини эътироф этмоқ лозим. Бунинг натижа-сида юртимизда замонавий демократия талабларига жавоб бера оладиган суд тизими шаклланди.

Суд бугунги кунда аввалгидек, ҳукмрон коммунистик тузумнинг қатагон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда. Фуқароларнинг судга ишончи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Шунингдек, суд ҳокимияти чи-

қарган ҳужжатларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши судлар мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятининг амалда таъминланганлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикасида судьяларнинг мустақиллигига эришиш, судлар фаолиятини ташкилий, моддий техника ва маблағ билан таъминлаш масалаларини такомиллаштириш мақса-дида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги қарори билан ваколатли орган — Суд қарорларининг ижро этилиши, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъмин-

**Тўлқин НУРМЕТОВ,**  
Бош прокуратуранинг  
ОЎК тингловчиси





Тарихдан биламизки, буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ўзининг "Темур тузуқлари" номи асариди давлатни бошқаришда адолатга таяниб, адашганларга нисбатан кечиримли бўлганлигини таъкидлаган. Дарҳақиқат, кечиримлик, бағрикенглик халқимизга хос фазилат. "Адашганнинг айби йўқ, қайтиб йўлини топса", деган ғуриятимиз ҳам бежиз айтилмаган. Шу маънода, мустақиллик йилларида қабул қилинган амнистия актилари мамлакатимизда инсон шайни, қадр-қимматини улуғлаш, фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонуларда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган улкан ишлар ҳамма инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларининг амалгаги самарасидир. Амнистия актири ҳаётда тўғри йўлдан адашиб, жиноят қўчасига кириб қолган инсонларга катта имконият яратиб, уларнинг жамиятда муносиб ўрин топиб олишларига ёрдам бермоқда.

Ана шундай имкониятга сазовор бўлганлардан бири Равил Гайнуллин (исм-фамилиялар ўзгартirilган) бўлиб, у фирибгарлик жинояти содир этганлиги учун суднинг қора курсисига биринчи марта ўтирганида, эндигина ун етти баҳорни қаршилаган эди. Ушанда унинг ёшлиги ҳисобга олиниб, амнистия актига биноан жазодан озод қилинган ва тўри йўлга тушиб олиши учун имкон берилган. Бироқ, Равил ўзига билдирилган ишончини суиистеъмо килди. Бир йилдан сўнг, яъни 2010 йилда босқинчилик жинояти содир этиб, судланди. Бу сафар ҳам амнистия акти унинг жониға оро кирди.

Аммо афсуски, у яна жиноятга қўл урди. Буни энди унча-мунча эмас, қотиллик эди. Ачинарлиси, у биринчи марта судланганиға қадар яна бир жиноят содир этган экан-у, бунисини ўша кезларда ҳали ҳеч ким билмасди. Ушанда, аниқроғи 16 ёшида уйига яқин жойда истиқомат қилувчи Оля исмли қиз билан танишиб қолган Равил қўл ўтмай у билан ҳудди эр-хотиндек яшаи бошлади. Дахшатлиси, ўша кезде Оля эндигина 14 ёшга тўлган эди. Булардан ҳам ҳайрон қоларли жиҳати, ҳар икки ёшнинг уйдагиғилар уларнинг муносабатлариға панжа орасидан қарайдилар.

Хуллас, 18 ёшга етгунға қадар икки марта судланишға улгурган Равил, навбатдаги жиноятни бир ўзи эмас, Олянинг ёрдами билан амалға оширишға қарор қилади. Янаи ўша кезларда бир бойвачанинг хонадониди ёлланиб ишлаётган Оля унинг кир-чирина ювиб, уйини йиғиштириб, яхшигина даромад

топар ва унинг бой эканлиги, қачон сўраса, йўқ демай пул бериши ҳақида Равилға оғиз қўптириб мақтанарди. Айнаи шу ҳолат Равилни қизиқтириб қўйди ва у қандай бўлмасин ўша бойвачанинг бойликларини қўлга кириштириш ҳақида бош қотиришға киришди. Уйлай-уйлай бунинг йўлини топди-да, Оляни ишға солди.

Ишға киришиладиган кунни Оля Равилнинг буйруги билан ўзининг телефонидан эмас, балки қўшининг уйдан Аҳмад исмли ўша бойвачаға қўнғирок қилиб, унинг қаерда эканлиги билан қизиқди. (Аҳир бир гап бўлса, улардан биров шубҳаланмаслиги керак эди-да!). Омадлари бор экан, Аҳмаднинг уйда ёлғизлигини билғач, қафға кириб, "иш" олдидан "юзта-юзта" қилишди. Бироз кайфлари ошиб, ўзларини "тоғни урса талқон қилгудек" бўлганликларини ҳис қилшгандан кейин, йўлга отланишди. Улар қўзланган манзилға етиб келиб, лифтада юқори қаватға кўтарилшди. Оля қўнғирокни босиши билан Равил эшик орқасига яширинди. Хонадон соҳибни қўл қуттирмай, эшикни очди-да, қизни йўга тақлиф қилди.

Ораддан беш-ўн дақиқа ўтар-ўтмас, Оляни кузатиб чиққан Аҳмад унинг ортидан зина томон уч-тўрт қадам босди. Унинг орқа ўғириб турганидан фойдаланган Равил шу заҳоти очиқ эшикдан ўзини ичкариға урди. Аҳмад ўйға қайтиб қирар экан, эшикни қўлғалади-ю, рўпарасида турган бегона одамни қўриб, доғдираб қолди. Аммо шу заҳоти ўзини қўлга олиб, қутилмаган меҳмонға ташланди. Унинг ҳужум қилишини билиб, шунға тайёр турган Ра-

Азизбек НАЗАРОВ,  
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

вил ўша ондаёқ ўзи билан олиб келган «отвёртка»ни ишға солди. Аҳмад ундан қочман, дея орқаси билан сервантға урилиб, ойнасини чил-чил қилди. «Отвёртка»дан олган жароҳати, устиға-устак пенсия ёшида эканлиги панд бериб, босқинчиға кучи етмаслигини ҳис қилди-да, қўча эшик томон югурди. Бироқ яна ёшлик ўзини қўрсатди. Равил икки-уч хатлаб, унға етиб олди ва ёқасидан судраб, залға олиб кирди.

Босқинчидан қочиб қутулмаслигиға қўзи етган Аҳмад бор кучини тўллаб, жон-жаҳди билан қаршилик қўрсата бошлади. Қарияни осонликча бир ёқлик қиламан, деб ўйлаган Равил бу холдан баттар жазаваға кирди-ю, стол устида ётган пичокни олиб, Аҳмаднинг қўкрак қисмиға кетма-кет санча бошлади...

Аҳмад қимирламай қолгандан кейингина хотиржам бўлди. Шошилмай ювиниш хонасига кириб, пичокдаги қон доғларини ювиб ташлади ва ошхонадаги столға қўйди. Кейин Оляға қўнғирок қилиб, тез ўйға чиқишни тайинлади.

Гарчи ўзи ҳам ушбу қотилликға маълум даражада алоқадор бўлса-да, қонига беланиб ётган Аҳмадға қўзи тушди-ю, шайтонлаб қолаёзди. Ха, у айни шу пайтда нақадар оғир жиноятға шерик бўлганлигини ич-ичидан ҳис қилди, дунёға келган кунига лаънатлар ўқиди. Аммо афсуски, тезда афсус-надоматлар ўрнини бойликға, мол-дунёға бўлган ҳирс эгаллади-ю, у Равилға қўшилиб, уйдан пул ва қимматбаҳо нарсалар ахтаришға тушди.

Етоқхонадаги портфелдан 1 млн. 200 минг сўм топишганда мамнун ҳолда бир-бирлари билан қўз уриштиришган бўлса, спорт сумкасидан 7 минг АҚШ доллари чиққанда эса қувончдан ўзларини қўрағай жой тополмай қолдилар. Шунингдек, сувенир қилич, соқол олишға мўлжалланган мослама, дазвол, телефон ва шу каби нарсаларни ҳам олиб, чеμόдан ҳамда сумкаға жойладилар-да, бу ердан қораларини ўчирдилар.

Равилнинг ўйға келиб, бироз нафасларини ростлаган, ўғирланган нарсаларни нима қилиш ҳақида бош қотиришди. Бир маҳал йигит Николай исми оғайнисини ёслаб қолди-да, вақтни ўтказмай унға телефон қилиб, тез ўйға етиб келишни илтимос қилди. Николай қўп қуттирмади. У нима гапчилигини сўраган эди, Равил бир одамни ўлдирганлигини айтиб, сумкани очиб қўрсатди. Кейин чўнтағидан бир даста АҚШ доллари чиқариб, қўз-қўз қилди-да, жойиға солиб қўяр экан, шу нарсаларни бирор жойға яшириб қўйиш учун ишончли одам топиб беришни сўради.

Дилмуроднинг шериги Шерзод эса ортиға қарамай халослаганча қочишға улгурган эди. Гаражлар олдидан ўтган нотаниш йўловчилар Дилмуроднинг қонға беланиб ётганини қўриб, зудлик билан милицияға хабар беришди.

Ораддан қўп вақт ўтмай воқеа жойиға ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари келиб, тергов ва суриштирув ишлари бошланиб кетди. Минг афсус, Дилмурод олган оғир тан жароҳати туғайли шифохонда вафот этди.

Суд мажлисида судланувчи Мансур Хайитовнинг айби бир қанча далиллар билан тўлиқ тасдиқланди.

Ҳар ким қилмишиға яраша ҳаққон эди. Ушбу ишни қўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди Мансур Хайитовға 14 йил муддатға озодликдан маҳрум қилиш жа-зоси тайинлади.

## Кечиккан тазарру...

Ёши олтмишларға борган Мансур Хайитов содир этган турли жиноятлари учун муқаддам тўрт мартаба судланган бўлса-да, у яна бир бора суд залида ўзининг устидан чиқарилган ҳўкми эшитишға мажбур бўлди. Мазкур воқеа 2012 йилнинг 27 август кунни кечқурун таҳминан соат 21:00 ларда содир бўлди. Мансур ошхонада оиласи билан овқатланиб бўлган, дераза олдида рўзғорда ишлатиладиган пичокларни чархлай бошлади. Бир пайт рўпарадаги уйнинг қарама-қарши подъездеди олдида икки нафар йигитнинг бақир-чақир овозлари унинг эътиборини тортади. У анчағача деразадан туриб уларни кузатади. Йигитлардан

бири баянд овозда сўқиниб, шеригини ёқасидан бўға бошлади. Мансурнинг сабри чидамай йигитларнинг олдиға тушмоқчи бўлади. У йўлак олдида аёлиға эшикни ёпиб олишини тайинлайди. Нодира эрининг ҳеч нарса демасдан ташқарига чиқиб кетаётганидан ҳайрон бўлади:

— Адаси, қаёққа? Йўл бўлсин...

— Ишини бўлмасин, ҳозир келаман, — деб шошилиб чиқиб кетди.

М.Хайитов шу ерда адашган эди. У йигитларнинг ноҳўя ҳаракатлари ҳақида тегишли жойға хабар бериш ўрниға, улар билан ўзи гапланиб қўймоқчи бўлади. Жанжал эса борган сари авжига чиққатган эди.

Комил ТАДЖИКУЛОВ,  
Олмазор туман прокурори  
Гули ХОЖИБЕКОВА,  
«Ниҳад»

— Ҳой йигитлар! Урушгани бошқа жой тополмадиларингми?

— Амаки, сиз аралашманг.

— Қани бу ердан туёқларингни шқиллатиб, «разбор»ларингни бошқа жойда қилларинг.

Бундай гаплардан кейин икки томон келиша олмай қолди.

Улар бир-бирини судраганча қўп қаватли уйларнинг гаражлари олдиға ўтиб олишди. Бир пайт йигитлар билан Мансур ўртасида муштла-







«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро вилоят филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 12 апрелдаги 12а-сонли буйруғига асосан Олот туман ҳокимлиги балансидаги Олот тумани, Чорбоғ ҚФЙда жойлашган бошлангич баҳоси — 129 812 986 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) 14-сон "Ғунча" боқар бағочси бино-иншоотлари очик аукцион савдосига қўйилмоқда.

— Фаолият-ихтисослиги: Маъмурий бошқарув. Ер участкасининг умумий майдони 7615,0 кв.м. бино ва иншоотларнинг умумий ва фойдали майдони 829,78 кв.м. Савдо 2013 йил 20 май куни соат 15:00да бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2013 йил 17 май куни соат 18:00.

малар қабул қилишнинг охириги муддати: 2013 йил 27 майдаги савдо учун 2013 йил 24 май куни соат 18:00; 3 июндаги савдо учун 2013 йил 31 май куни соат 18:00, 10 июндаги савдо учун 7 июнь куни соат 18:00. Талабгорлар "Давлат активи" бошлангич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган, яъни (19 471 948 сўм) миқдордаги зақалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охириги кунгача "Турон банк" Бухоро филиалидаги 20208000304920609016, МФО: 00111, ИНН: 207122519, х/рга тўлашлари шарт.

вожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади). Тўланган зақалат "Давлат активи" сотилиш баҳосининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо солиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммаси тўлаши шарт. Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Тел: 223-71-30. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001. Хизмат кўрсатиш лицензияланган

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилоят филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 11 декабрдаги 13-Панони ва 2013 йил 18 январдаги 4-Пр-1 ҳамда 5-Пр-1-сонли буйруқларига асосан (кейинги ўринларда "Давлат активлари" деб юритилади) очик аукцион савдосига қўйилмоқда.

ер майдони 131,56 кв.м. бўлган Савдо комплекси. Бошлангич баҳоси — 114 429 000 сўм; 2. Самарқанд шаҳар, Ўзбектракти кўчаси 33-уйда жойлашган, умумий ер майдони 0,21 га., бино ва иншоот эгаллаган ер майдони 229,7 кв.м. бўлган Дала ҳовли бино ва иншоотлари. Бошлангич баҳоси — 290 914 360 сўм; Давлат активини балансида савдочи: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси.

Савдо натижаларига кўра солиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади. Тўланган зақалат "Давлат активлари" сотилиш баҳосининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо солиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммаси тўлаши шарт. Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчаси, 85'А'-уй 2-қават, 210-хона. Тел.: (факс) (8-366) 233-80-56. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001. Хизмат кўрсатиш лицензияланган

тўхтатилади. Талабгорлар "Давлат активларини" бошлангич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охириги кунгача АТИБ "Ипотек банк" Кўксарой филиалидаги: 20208000604920609025, МФО: 00262, ИНН: 207122519 х/рга тўлашлари шарт. Савдо натижаларига кўра солиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади. Тўланган зақалат "Давлат активлари" сотилиш баҳосининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо солиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммаси тўлаши шарт. Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчаси, 85'А'-уй 2-қават, 210-хона. Тел.: (факс) (8-366) 233-80-56. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001. Хизмат кўрсатиш лицензияланган

«SIRDARYO MULK MARKAZI» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

1. Савдога Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 29 мартдаги 11-СЧ-сонли буйруғига асосан, Янгиер шаҳри Ш.Рашидов маҳалласида жойлашган, "Янгиер шаҳар ҚФБ" МЧЖ нинг устав фондидаги бошлангич баҳоси — 234 760 000 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Кўйилмоқда") 25 фойз давлат улуши қўйилмоқда.

Юқорида қайд этилган "Улуш" нинг савдоси 2013 йил 23 май куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2013 йил 21 май куни соат 18:00. Ушбу "Улуш" 2013 йил 23 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 30 май ва 6,13 июнь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2013 йил 28 май куни соат 18:00; 2013 йил 6 июндаги савдо учун 2013 йил 4 июнь куни соат 18:00; 2013 йил 13

июндаги савдо учун 2013 йил 11 июнь куни соат 18:00. Талабгорлар "Улуш"нинг бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охириги кунгача қадар ДАТ "Асака банк" Гулистон шаҳридаги қўйилга ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204944884001, МФО: 00373, ИНН: 302144586. Савдо натижаларига кўра солиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-

сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади. Тўланган зақалат "Улуш" сотилиш баҳосининг 10 фоиздан камни ташкил этса, савдо солиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммаси тўлаши шарт. Буюртманомалар қабул қилинадиган манзил: Гулистон шаҳар, "Бизнес маркази" биноси, 3-қават, 56-хона. Тел: (8-367) 226-28-93. www.gm.uz. Гувоҳнома: 0300. Савдо ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳар, "Бизнес маркази", 2-қават, бинонинг мажлислар зали. Хизмат кўрсатиш лицензияланган

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Хоразм вилоят филиалида ўтказиладиган очик танлов савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПК-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 5 декабрдаги 85-Т-сонли буйруғига асосан, Амударё ирригация каналлари бошқармасига қарашли Урганч шаҳар "Хонқа кўчаси" 154-уйда жойлашган, бошлангич баҳоси — 376 763 000 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) қурилиши тугалланмаган биноси қўйилмоқда.

— Балансида савдочининг номи: Амударё ирригация каналлари бошқармаси. — Фаолият-ихтисослиги: Маъмурий бошқарув. Умумий ер майдони 3770 кв.м., шундан қурилиш ости майдони 945,02 кв.м. Савдо 2013 йил 20 май куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2013 йил 17 май куни соат 18:00. Талабгорлар "Давлат активи" бошлангич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охириги кунгача АТИБ "Ипотек-банк" Тинчлик ф-лидаги: 20208000004920609036, МФО: 00580, СТИР: 207122519 х/рга тўлашлари шарт. Савдо натижаларига кўра солиб чиққан иштирокчига

20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади. Тўланган зақалат "Давлат активи" сотилиш баҳосининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо солиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммаси тўлаши шарт. Буюртманомалар қабул қилинадиган ва танлов ўтказиладиган манзил: Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй. Тел/факс (8-362) 226-32-63. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия RR-0001. Хизмат кўрсатиш лицензияланган

Хизмат кўрсатиш лицензияланган

«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» ОАЖ биржа савдоларига таклиф этади.

2013 йил 20 майда "Тошкент" РФБ биржа савдоларига чиқариладиган давлат акция пакетлари рўйхати


№	Эмитент номи	Устав фондидаги улуш, %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	1 дона акциянинг номинал қиймати, сўм	1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошлангич нархи, сўм	Акциялар пакетининг бошлангич нархи, сўм
1	«Тошкент қурилиш моллари комбинати» ОАЖ	3,75	37 005	1100,0	20 904,0	773 552 520,0

Қўшимча маълумотлар учун "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" ОАЖга мурожаат қилишингиз мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 10-уй Телефонлар: 232-10-45, 236-77-92 E-mail: info@ndvakt.uz, www.gki.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПК-1743-сонли қарорига асосан «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилоят филиалининг савдоларига чиқарилиб, 2013 йил 8 апрелда ўтказилган танлов савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

1. Қарши ш. "Хонтепа" МФЙ "Насаф" кўчасидаги умумий ер майдони 881,6 кв.м., фойдали майдони 881,6 кв.м. бўлган "Автогараж" биноси, бошлангич баҳоси — 213 556 431 сўм, сотилиш баҳоси — 213 560 000 сўм. Хизмат кўрсатиш лицензияланган

Халқаро ҳаёт



# Бостон марафонидаги фожиа

**АҚШнинг Бостон шаҳрида кўпорувчилик ҳаракати со- лир этилли. Душанба кuni маҳаллий вақт билан соат 15:00ларда бу ерда иккита портлаш рўй берди.**

Шу кuni Бостонда шаҳар кўчалари бўйлаб анъанавий югуриш мусобақаси ўтказила- ётганида. Унда иштирок этиш учун қарийб 30 минг спортчи старт чизигидан югуришни бошлади, бироқ финиш чизиги ёнида қутилмаганда содир этилган портлашлар оммани даҳшатга солди. Портлаш Бойлстон-стрит кўчасининг шимолӣ қисмида, марра чизиги ёнида содир бўлди. Бунинг оқибатида шу ерда жойлашган биналарга жиддий шикаст етди. Орадан санокли сониялар ўтгач, шу районда иккинчи портлаш ҳам рўй берди.

Полиция маълумотларига кўра, дастлабки иккита порт-

лаш мусобақага старт берилган- дан 5 соат ўтиб рўй берган. Орадан анча вақт ўтиб, учинчи портлаш ҳам қузилган. Бироқ шаҳар кутубхонасидаги порт- лаш ёнғин натижасида рўй бер- гани айтилмоқда. Бостон по- лицияси 3 кишининг қурбон бўлганини хабар берди. Улар- дан бири 8 ёшда. Жароҳатлан- ганлар эса 150 нафарга яқин- лашиб қолган.

Ҳозирча портлашни ким ва нима мақсадда содир этгани маълум эмас. Полиция шубҳа- ли бирон далилни кўлга кирит- гани йўқ. Шу ҳақда гапирар экан, президент Барак Обама жиноятчилар албатта топилши ва жазоланишига ваъда берди. Айрим маълумотларга кўра, по- лиция ҳозирда бир кишини сўроқ қилмоқда.

# Таиланддаги автоҳалокатлар

**Таиландда анъанавий янги йил байрами нишонла- ниши муносабати билан 4 кун ичида қарийб 2 мингта йўл транспорт ҳолатиси рўй берган.**

Бунинг оқибатида 218 киши ҳалок, 2 мингдан зиё- ди жароҳатланган. Бахтсиз ҳодисаларнинг рўй бери- шига автомобилларни маст ҳолда бошқариш ва тез- ликни ошириш сабаб бўлган, деб хабар беради мам- лакат ҳаракат хавфсизлиги маркази.

Полиция маълумотларига кўра, пойтахт Бангкок кўчаларида юзага келадиган келишмовчиликлар оқибатида кескин равишда ўғрилликлар сони ортган. Янги йилни нишонлаш вақтида таиландликлар ўтган йилдаги омадсизликлар ва гуноҳларни ювиш учун бир-бирларига сув сепадилар. Бу одат "Сонг-крана" деб аталади. Мамлакат ёшлари бу одатни қутилмаганда содир этишни хуш кўрадилар. Баъзида бир гуруҳ ўсимирларнинг атайин кўполлик билан сув сепиши ўзаро тортишувларга сабаб бўлади.

Якшанба кuni пойтахтнинг Бангси туманида уст-боши жиққа хўл бўлган 4 нафар йигит байрамни нишонлаётган оммага қарата мотоциклдан ўқ узган. Муסיқа садосидан кўнчиликлари отишма бўлаётганини пайқамаган. Оқибатда 1 киши қурбон бўлган, яна олти киши жароҳат- ланган, уларнинг орасида 7 ёшли болакай ҳам бор. Отишмани содир этганлар воқеа жойидан яширинишган.



# Довюрак гид



**Америкалик гид экскурсия вақтида сайёҳларни ҳимоя қилиш мақсадида оғирлиги 5 килограммга тенг буюмга илонни ўладирилди.**

Хабарларга қараганда, АҚШнинг Флорида штати- да истикомат қилувчи 26 ёшли Томми Оуэн қайқ- да сайёҳларни айлангириб юрган бўлган. Шу вақт тўсатдан улар томонга яқинлашиб келаятган 3 метр- ли илонни кўрган Томми ҳеч иккиланмасдан элчи- лик билан сувга тушиб, илон билан "жангга кириш- ган" ва голиб чиққан.

— Чақиб олмаслиги учун уни бўйнидан бўғишга мажбур бўлдим. Ростини айтсам, жуда кўрқинчи ҳолат эди, — деди у. Томмининг сўзларига кўра, у илонни ўлдирганидан афсусда: "Ўзвийи табиатини жуда яхши кўраман. Агар вазият шуни талаб этмаган- да эди, илонни ўлдирмаган бўлардим", — деди гид.

Маълумотларга кўра, омадсиз саёҳат сабабли сай- ёҳларга пуллари қайтариб берилган.



# Танлов ғолиблари аниқланди

**Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида аҳоли учун сифатли ва замо- навий банк хизматларини кўрсатиш, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли ларомагаларини оширишда иқтисодиётнинг барча тармоқларини молия- вий жиҳатдан фаол қўллаб-қувватлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу бонс, "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки зиммасига республика иқти- содиётининг муҳим тармоқларини изчи ривожлантириш борасида юксак масъулият юкланиб, банкнинг ушбу жараёнлардаги иштироки ва аҳамияти янада ортмоқда.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбир- корлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожла- нишига кенг шароитлар яратиш "Аса- ка" банк фаолиятининг устувор йўна- лишларидан бири ҳисобланади. Маз- кур соҳага "Асака" банк томонидан 2012 йил давомида 526,7 млрд. сўм миқдоридида кредит маблағлари ажратилган бўлса, 2013 йилнинг 1 чораги мобайнида ушбу соҳага 172,9 млрд. сўм миқдоридида кредитлар ажратилди. Натижада 1350 тага яқин янги иш ўрин-

лари яратилди.

Муҳтарам Президентимиз ташаббус- лари билан 2013 йилнинг мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан "Аса- ка" банк томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бора- сида бир қатор тадбирлар ташкил этил- моқда.

Шундай тадбирлардан бири сифати- да жорий йилнинг февраль-март ойла- рида кичик бизнес ва хусусий тадбир- корлик вакиллари ўртасида "Ёш тад-

биркор лойиҳаси" танлови ўтказилди.

Ушбу танлов шартлари оммавий ах- борот воситалари орқали эълон қилин- ди. Танловда иштирок этиш учун банк- нинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда жой- лашган филиалларига банк миқозлари ва танловда иштирок этиш истаганини билдирган тадбиркорлик субъектлари томонидан кўплаб лойиҳалар тақдим этилди.

Тақдим этилган лойиҳалар орасидан банк Бош офисидида тузилган Ишчи гу- руҳи томонидан совринли ўринларга муносиблари танлаб олинди. Бунда асосий эътибор тақдим этилган лойи- ҳалар буйича яратилаётган янги иш ўринлари сонига, шу жумладан, колле- ж битирувчилари учун ташкил эти- лаётган янги иш ўринлари сонига, шу- нингдек, ички истеъмол бозорини сифатли ва рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда маҳаллий ноозиқ- овқат истеъмол товарлари билан таъ- минлашга йўналтирилган лойиҳаларга қаратилди.

Танлов якунларига кўра, Ишчи гу- руҳи аъзолари томонидан қуйидаги танлов иштирокчилари голиб деб топилди:

1 ўрин — "Мамадалиева Шоҳиста- хон" ХК лойиҳаси (Фарғона вилоят

филиали);

2 ўрин — "Термез Ўрта Шарқ" ХК лойиҳаси (Сурхондарё вилоят филиа- ли);

3 ўрин — "Бахмал Лидер чорва- дор" МЧЖ лойиҳаси (Сирдарё вилоят филиали).

Танлов ғолиблари имтиёзли шарт- ларда кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шу билан биргаликда, танловда иштирок этган "Анзис" МЧЖ (Асака филиали), "Сибойе-Файз агро" МЧЖ (Жиззах вилоят филиали), "Formula Uyuta" МЧЖ (Навоий вилоят филиали), "Дипломат Пойафзал Саноят Савдо" МЧЖ (Наманган вилоят филиали), "Кўргони Калон" ХИЧТФ (Самарқанд вилоят филиали), "White Milk" МЧЖ (Олтиариқ филиали), "Toshkent non savdo" МЧЖ (Тошкент шаҳар филиа- ли) ва "Safo Tibbiyot" МЧЖ (Автотранс- порт филиали) лойиҳалари ҳам имти- ёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар билан тақдирландилар.

2013 йилда "Асака" банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркор- ликни ривожлантириш мақсадларига 684 млрд. сўм миқдоридида кредит ма- блағларини йўналтириш режалашти- рилган. □

**Huquq** yuridik gazeta

**Muassis:**  
**O'zbekiston**  
**Respublikasi**  
**Bosh**  
**prokuraturasi**

**Bosh muharrir:**  
**Jahongir MAKSUMOV**

**Tahrir hay'ati:**  
Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV  
Abbosxon SANGINOV (Bosh muharrir o'rinbosari)  
Muxtor ZOIROV Kamoliddin ASQAROV  
Gulnoza RAHIMOVA (mas'ul kotib v.b.)

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Akademik  
Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
**Telefon:** 233-98-40,  
233-10-53  
**Faks:** 233-10-53,  
233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'yilmalar taqdir qilinmaydi va qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat qaytari nazardan farganligini muhokima. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. □ — tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-6919. 53 290 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: O'.DEHONOV  
Musahhihi: M.GAMBAROV  
Navbatchi: O'.DEHONOV  
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 12 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrida 0188-raqam bilan o'yxatga olingan.



Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kechikishgan narxda.

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxonani muharrir: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.